

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА...

ИЛММЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ДАВРИЙ ТЎПЛАМ №7

ларнинг рўйхати бўлган. Хива хонлари архивини ўрганиб чиққан олим М. Йўлдошев архив маълумотларига таяниб, аҳоли сонини 800 мингдан ошиқ киши деб кўрсатган²²¹.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни рус босқини арафасида Хива хонлиги аҳолисининг этник таркиби хилма-хил эди. Аҳолининг каттагина қисмини ўзбеклар ва қорақалпоқлар ташкил этарди. Бундан ташқари, хонликда туркманлар ва қозоқлар ҳам катта нуфузга эга эди. Лекин, хонликнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ўзбекларнинг ўрни катта бўлганлигини тарихий манбалар ҳам кўрсатиб беради.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА БОСМАХОНАЛАР ТАРИХИГА ДОИР (НАМАНГАНДА “МАТБААИ ИСҲОҚИЯ”)

А. Садриддинов,

НамДУ, Тарих фанлари кафедраси магистранти

XX аср бошларига қадар Туркистонда ташкил этилган барча босмахоналарда рус тилидаги китоблар билан бир қаторда бир қатор маҳаллий тилдаги адабий китобларни ҳам чоп қилинди. Босма ишининг бу зайлда давом этиши руслар учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий томондан манфаатли бўлган. Чунки матбаачилик катта молиявий фойда келтирганлиги сабабли руслар бу соҳани ўз қўлларида тутиб қолдилар²²². Шундай бўлсада, 1917 йилга қадар маҳаллий миллат вакиллари томонидан 5 та босмахона ташкил этилган. Улар Самарқандда (1894), Бухорода (1901), Андижонда (1904), Тошкентда (1907), Наманганда (1908) самарали фаолият олиб борган²²³.

Ўлканинг маҳаллий илғор фикрли зиёлилари халқ орасида ўз маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилишда, маҳаллий аҳолининг сиёсий онгини юксалтиришда талайгина ишларни

²²¹ Йўлдошев М. Й. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги... – Б. 167.

²²² Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” // Central Eurasian Research Series No.5. – Tokyo, 2011. – С. 10.

²²³ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских ... – С. 10.

амалга оширганлар. Улар томонидан босмахоналарнинг ташкил этилиши, бу соҳадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

XX аср бошларида Наманган шаҳрида олти уезд матбаасидан ташқари “Матбааи Исҳоқия” (1909–1913) билан М. Н. Абдусатторбоев (1913–1917) нинг босмахоналари фаолият юритган²²⁴.

XX аср бошларида Наманганда очилган босмахонанинг ташкилотчиси таниқли жаидид намоёндаси Исҳоқхон Жунайдуллаев Ибрат (1862–1937) бўлган. Ибрат “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Таржимон”, “Вақт” каби вақтли матбуот нашрларини ўқийди ва ҳатто уларга ёзиб ҳам турган²²⁵. У рус тилидан ташқари шарқ халқлари тиллари: араб, форс, турк, афғон, ҳиндини мукаммал билган.

Ибрат 1897 йилда араб ўлкалари, Ҳиндистон, Афғонистонга хориж сафаридан қайтиб келгач, араб, форс, ҳинди, турк, ўзбек ва рус тилларини ўз ичига қамраб олган, “Луғати ситта ал-сина” (“Олти тил луғати”) асарини яратган. Бу асар Туркистоннинг нашриёт ишлари бўйича ноziри Н. Остроумовнинг бир неча йиллик тўсқинликларидан сўнг, 1901 йилда Тошкентда фаолият кўрсатаётган В. М. Ильин босмахонасида нашрдан чиққан²²⁶. Исҳоқхон Ибрат бу асари босилгач, китоб нашри шайдосига айланган. Унинг Туркистон генерал-губернатори маҳкамасига литография (тошбосма) очиш учун йўллаган илтимосномасига Санкт-Петербургда рухсатнома келмаган. Босмахона очишга рухсат олмасдан туриб, 1907 йили Россиянинг Оренбург шаҳрига бориб, Гауфман деган матбаачидан, пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан, 1901 йилда чиққан литография машинасини

²²⁴ Бобохонов А. Ҳ. Асрдан ошган зиё масканлари (Тарихий очерklar). – Т. Ўзбекистон, 2011. – Б. 95.

²²⁵ Йўлдошев И., Умматов Р. Ибрат изларидан (Тарихий қўлланма). – Наманган, 2014. – Б. 14.

²²⁶ Бобохонов А. Ҳ. Асрдан ошган зиё масканлари (Тарихий очерklar). – Т. Ўзбекистон, 2011. – Б. 96.

сотиб олган²²⁷. Литография ускуналари Оренбургдан катта машаққатлар билан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келинган.

Ибрат ўзи қурдирган ҳаммомни тошбосма матбаага айлантириб, 1908 йилда ҳукумат рухсатномасини олган йилдан илгари (1909) Санк-Петербургнинг бош бошқармаси сензори томонидан 1908 йили босишга рухсат берилган китоби – “Саноати Ибрат қалами Мирражаб Бандий”ни чоп этишдан ўз фаолиятини бошлаган. Наманган уездининг Тўрақўрғон қишлоғида ташкил этилган бу литография босмахонаси “Матбааи Исҳоқия” номи билан шуҳрат топган²²⁸. Ибратнинг янги бошлаган ишига бутун қишлоқ аҳолиси ёрдамга келади. Ҳатто қўшниси Мирзабой Ғиёсов ҳарф ўйиш учун ўз уйидаги ёнғоқ дарахтини кесиб берган²²⁹. Исҳоқхон Жунайдуллаев тошбосманинг шахсий муҳрини ҳам ишлаб чиққан бўлиб, муҳрнинг кўриниши – нур сочаётган қуёш тасвири бўлиб, унинг марказига “илм” сўзи ўйиб ёзилган эди. Бу билан Ибрат илмни нур сочаётган қуёшга қиёслаган эди.

Литография ўз харажатларини қоплаш ва кредит қарзидан қутулиш мақсадида турли буюртмалар қабул қилиш учун баъзи асарлар охирига қуйидаги мазмунда эълонлар берилган: “Ушбунни эълон этамиз, ушбу кундан ибтидоан матбааимизда заказлар қабул қилинадур. Чунончи: рисоалар, эълонномалар, ҳар хил бланкалар ва табрикномалар, ишчутлар, карточкалар, мактуб варақлари, ҳар нима чоп қилмоқ мумкин. Нимарсалар ғоят яхши ва нафис ўзига боп қоғозда чоп қилиб, зийнатлаб, шоён тамошо қилиб, муштариларимизни хусни ризоларига мазхар бўлмоқ саяй ва ижтиҳодимиздур, хоссатаи вазифамиздур... Матбааимизни вилоятда танҳо қилмоқ аввалдан матлабимиздур. Анқариб

²²⁷ Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Т.: Шарк, 1994. – Б. 60.

²²⁸ Бобохонов А. Ўзбек матбааси тарихидан. – Т., 1979. – Б. 112 – 114.

²²⁹ Самадов Ю. Мавлоно Ибрат вориелари (Наманган вилоят босмахонаси тарихидан лавҳалар) / Масъул муҳаррир А. Жаббор. – Наманган, 1999. – Б. 4.

уруфот босмахонаси ҳам очилур, асбоблари ҳам тайёр. Ҳукуматдан ижозат олинган²³⁰.

Тадқиқотчи А. Исоқбоев Туркистондаги маорифатпарварлик ҳаракатида татар-бошқирд маорифатчиларининг фаолиятига алоҳида тўхталиб, Ибратнинг татар жадидлари Ҳ. Макаев ва А. Шаҳидий билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлигини таъкидлайди²³¹.

Татаристонлик ўқитувчи Ҳусайн Макаев Ибрат таклифига кўра Тўрақўрғонга келган. Бу ерда Ҳусайн Макаев Ибрат томонидан очилган мактабда рус тилидан дарс бера бошлайди. Бу борада А. Н. Расуловнинг илмий изланишлари ҳам эътиборга молик бўлиб, унинг тадқиқотларида Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлари тарихида татар-бошқирдларнинг ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий фаолиятларига тўхталиб ўтилган. Хусусан, тадқиқотчи Ҳусайн Макаевни педагогик фаолият билан бир қаторда “Матбааи Исоҳоқия” босмахонасида корректор, ҳарф босувчи ва штампел ясовчи мутахасис бўлиб ҳам ишлаганлиги қайд этилади²³².

1909 йилда эса “Матбааи Исоҳоқия” литографияси типолитографияга айлантирилган²³³. 1908–1909 йилларда босмахонага Охунзода Абдулрауф Шаҳидий мудирлик қилган. 1910 йилда босмахона Наманган шаҳрига кўчирилган. Бу ерда 1910–1913 йилларда Ҳусайн Макаев, 1913–1917 йилларда эса М. Н. Абдусатторов матбаа мудирлиги сифатида ишлаган²³⁴. Бу даврда матбаа Туркистон миқёсида катта аҳамият касб этиб, дастлаб миллий тилларда китоблар нашр этилган “Матбааи Исоҳоқияда”,

²³⁰ Исоқхон Ибрат. Илми Ибрат. – Тўрақўрғон: Матбааи Исоҳоқия, 1909. – Б. 16.

²³¹ Исоқбоев А. А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маорифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. ном. ... автореф. дисс. – Т., 2008. – Б. 6.

²³² Расулов А. Н. Туркистон ва Волгабўйи. Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Т.: Университет, 2005. – Б. 179.

²³³ Алиязарова Д. Б. Инновации в изучении истории периодической печати и типографской работы в Ферганской долине // Фаргона водийси тарихи муаммолари. Республика илмий анжумани материаллари. – Наманган, 2012. – Б. 297.

²³⁴ Долимов У. Исоқхон ... – Б. 63.

1917 йилдан бошлаб эса, газета ва журналлар ҳам босила бошланган. Наманганда татар муаллифи Хусайн Макаевнинг ноширлиги ва мухаррирлиги остида 1917 йил бошларида “Фарғона саҳифаси”, шу йили август ойидан бошлаб, “Фарғона нидоси” номли газета чиқа бошлаган. Уларда шу даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва адабий масалари баён этилган ҳамда Ибрат, Ҳ. Макаев ва бошқаларнинг шеърлари ўрин олган²³⁵.

Октябрь тўнтарилиши туфайли босмахона мусодара қилинган. Советлар ҳокимияти даврида ушбу босмахонада “Народная газета”, “Эркинлик”, “Ишчилар қалқони”, “Совдеп”, “Роста” каби газеталар рус ва ўзбек тилларида нашр қилинган. Исҳоқхон Ибрат Оренбургдан олиб келган литографик машина 1952 йилгача Наманган босмахонасида ишлатиб келинди. 1952 йилда машина Тўрақўрғон босмахонасига юборилган ва “Учқун” номли Наманган туман газетасини 1960 йилгача мунтазам чиқариб туришда фойдаланилган²³⁶.

1909 йилда татар зиёлиси Исҳоқ Шарипов томонидан Наманганда биринчи китоб дўкони очилган. Дўконда “Матбааи Исҳоқия”да нашр этилган китоблар, қўлёзмалар, эълонлар, таклифнома ва бошқалар сотила бошланган. Исҳоқ Шарипов қўшни хорижий мамлакатлар Ҳиндистон, Эрон, Туркия мамлакатларида, шунингдек, Қозон ва Петербургда араб графикасида чиқарилган китобларни ҳамда газеталарни Наманганга олиб келиб сотишни ҳам ташкил этган²³⁷.

XX аср бошларида Наманганда матбаачиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши Туркистон ўлкаси маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Туркистон матбаачилиги тарихида Фарғона водийсида, хусусан, Наманганда матбаачиликнинг вужудга келиши ҳам, бизнингча, муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади.

²³⁵ Вохидова К.А. Исҳоқхон Жунайдуллоҳоджа Ибрат и его научно – историческое наследие: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 2002. – С. 12.

²³⁶ Долимов У. Исҳоқхон ... – Б. 63.

²³⁷ Вохидова К. Исҳоқхон Ибрат // Фан ва турмуш. – 1995. – № 4. – Б. 26-27.

МУНДАРИЖА

1. Насриддинов Ш. Н. Калтаминор маданияти ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи.....	3
2. Собиров Б. Тупроққалъа ёдгорлигида археологик экспедицияда.....	9
3. Абдурасулов У. З. Дам қишлоғи қипчоқлари ва уларнинг хўжалик турмуш тарзи билан боғлиқ удум ва маросимлари.....	13
4. Кузикулов И. У. Фарғона водийси қипчоқлари.....	16
5. Халмуратов Б. Р., Одилова М. Ўзбек миллий кийимларнинг маросимий хусусиятлари (Мотам кийимлари мисолида).....	19
6. Саримсоқов А. А. Фарғона водийси дехқонларининг зироатчилик билан боғлиқ бахорий маросим ва одатлари.....	23
7. Вахобов Б. М. Метод исследовательской работы в этнологии.....	30
8. Нурбаева Ф. Қадимги Юнонистонда нотиклик санъати.....	38
9. Турғунбоев В. Логографлар – Элладанинг илк тарихчилари.....	42
10. Яхёева Н. VIII – XIV асрларда Япониянинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи.....	47
11. Абдулбоқиев Ф. А. Ислом цивилизацияси.....	51
12. Тўхтабаев А.Ш. Алломаларимиз ижодида ёшлар масаласи.....	57
13. Халмуратов Б. Р., Тўланбоев Ш. А. Тасаввуфда зикр масаласига доир айрим мулоҳазалар.....	59
14. Мирабдуллаев М. “Князь Игор” операси ва қипчоқлар.....	64
15. Мамасаидов Л. Хоразмшоҳлар давлатида бошқарув тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан.....	67
16. Азизов О. Темурийлар даврида ҳарбий мусиқа.....	72
17. Мамасаидов Л. Шайбонийлар давлатида бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари.....	76
18. Умархўжаев А. Тож Маҳал мақбараси.....	79
19. Юлдашев У. Шимолий Фарғонанинг ривожланган ўрта аср шаҳарлари.....	82
20. Тожибаев Ш. А. Флорио Беневенининг Бухорога қилган экспедицияси.....	85
21. Сайдатов О. Бухоро амирлигида савдо-сотиқнинг ривожланиши ва саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши.....	90
22. Аҳмедова Х., Суробова Р. Хива хонлиги тарихи бўйича манбалар.....	94
23. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлигида ўтказилган пул ислоҳотлари тарихидан.....	98
24. Турсунов Б. Я. Қўқон хонлигида фаолият юритган мингбошилар ҳақида қисқача маълумотлар.....	104
25. Эркўзиев А. А. Ўрта Осиё хонликларида ўлчов бирликлар тизимининг қўлланиш хусусиятлари.....	110
26. Раззақов Ж. Н. Чарлз Стоддарт ва Артур Коноллининг Бухорога миссияси.....	115

27. Қурбонов Б. Ж. XIX асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлиги аҳолисининг этник таркиби хусусида.....	122
28. Садриддинов А. Туркистон ўлкасида босмахоналар тарихига доир (Наманганда “Матбааи Исҳоқия”)	126
29. Мавлонов А. Тошкент кулдочилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср биринчи чораги).....	131
30. Расулова Р. А. Турк – мусулмон халқлари ўртасидаги муносабатлар	133
31. Болтабоев Ё. Т. XX асрда Туркистон шаҳарларининг бошқарувида сиёсий партияларнинг фаолияти хусусида.....	138
32. Болтабоев Ё., Ризаева М. Скобелев шаҳрида шаҳар думасига сайловларнинг ўтказилиши.....	143
33. Мирабдуллаев М. Григорий Распутин ким бўлган?.....	148
34. Боймирзаев Х. К. Туркистоннинг озодлиги учун кураши тарихидан (Абдурауф Фитрат фаолияти мисолида)	151
35. Жўраев А. Т. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Наманганда маориф тизимининг аҳволи.....	154
36. Исмоилова Н. У. Германияда таълим олган зиёли аёл.....	158
37. Дехканов Н. Б. Мустабид тузум даврида маҳаллий советлар фаолияти.....	162
38. Джалолов Б. Совет ҳокимиятининг Фарғона водийсида темирўл соҳасидаги сиёсати.....	167
39. Махмудов М. Ўзбекистон матбуотида XX асрнинг 20–50 йилларида маданий мерос объектларга бўлган муносабат масаласи	171
40. Султанова З. Совет даврида Ўзбекистонда мусиқа санъати: муаммо ва ечимлар.....	177
41. Аббосов Б. Б. Наманган вилоят Давлат архивининг ўрганилиш тарихи.....	180
42. Суробова Р. Чуст тарихига бир назар.....	185
43. Усмоноҳонова М. Поп тумани топонимларига бир назар.....	188
44. Расулов А. Н. Мукаддас ёдгорлик.....	191
45. Норқўзиев Д. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти.....	199
46. Абдурасулов А. Ўзбекистонда хорижий олий ўқув юртлари фаолиятига доир.....	205
47. Кенжаев Э. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш истиқболлари.....	209
48. Бойзакова У. А. XX аср – маънавий таҳдидлар вужудга келган асрдир.....	218